



ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАР ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ

и.ф.д., проф., акад. Тухлиев Нурислом
Ўзбекистон халқаро ислмошунослик академияси
ORCID: 0009-0004-2959-7901
tukhliev47@mail.ru

Аннотация. Мақолада илмий мактаблар, иқтисодий ривожланишга оид турли назарий қарашлар ва уларнинг иқтисодий ўсишга таъсири чуқур таҳлил қилинган. Хусусан, классик, неоклассик ва замонавий эндоген ўсиш назариялари доирасида иқтисодий ўсиш манбалари, капитал жамғарилиши, меҳнат унумдорлиги, инновациялар ҳамда инсон капитали ривожланишининг роли асослаб берилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон шароитида иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий омиллар саноатлашув даражасининг ошиши, инвестиция муҳитини яхшилаш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари таҳлил этилган. Тадқиқотда иқтисодий ўсишни баҳолашда қўлланиладиган макроиқтисодий моделлар, жумладан, ЯИМ динамикасига таъсир этувчи ишлаб чиқариш функциялари ва омиллар модели орқали 2026–2030 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида белгиланган мақсад ва вазифалар аҳоли фаровонлигини ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улушини кўпайтириш ҳамда минтақаларни мутаносиб ривожлантириш йўналишлари илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Калит сўзлар: классик иқтисодиёт, неоклассик, кейнсчилик, монетаризм, институционал мактаб, хулқ-атвор иқтисодиёти, иқтисодий ўсиш, кузатилмайдиган иқтисодиёт, ЯИМ, инновация, “яшил” иқтисодиёт, креатив иқтисодиёт, циркуляр иқтисодиёт, норасмий иқтисодиёт, ноқонуний иқтисодиёт.

ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ И ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ

д.э.н., проф., акад. Тухлиев Нурислам
Международная исламская академия Узбекистана

Аннотация. В статье представлен глубокий анализ научных школ, различных теоретических взглядов на экономическое развитие и их влияния на экономический рост. В частности, в рамках классической, неоклассической и современной теорий эндогенного роста обоснована роль источников экономического роста, накопления капитала, производительности труда, инноваций и развития человеческого капитала. В то же время проанализированы основные факторы, обеспечивающие экономический рост в условиях Узбекистана, такие как повышение уровня индустриализации, улучшение инвестиционного климата, расширение экспортного потенциала, развитие цифровой экономики и поддержка малого бизнеса и частного предпринимательства. В исследовании разработаны прогнозные показатели на 2026–2030 годы посредством макроэкономических моделей, используемых для оценки экономического роста, включая модель производственных функций и факторов, влияющих на динамику ВВП. Также

научно обоснованы цели и задачи, определенные в рамках Стратегии "Узбекистан – 2030" повышение благосостояния населения, обеспечение устойчивого экономического роста, увеличение доли продукции с высокой добавленной стоимостью, а также направления сбалансированного развития регионов.

Ключевые слова: классическая экономика, неоклассицизм, кейнсианство, монетаризм, институциональная школа, поведенческая экономика, экономический рост, ненаблюдаемая экономика, ВВП, инновации, "зеленая" экономика, креативная экономика, циркулярная экономика, неформальная экономика, нелегальная экономика.

ECONOMIC VIEWS AND ECONOMIC GROWTH

DSc, prof., acad. **Tukhliev Nurislam**
International Islamic Academy of Uzbekistan

Abstract. The article provides a profound analysis of scientific schools, various theoretical perspectives on economic development, and their impact on economic growth. In particular, within the framework of classical, neoclassical, and modern endogenous growth theories, the sources of economic growth, capital accumulation, labor productivity, innovation, and the role of human capital development are substantiated. At the same time, the main factors ensuring economic growth in the conditions of Uzbekistan are analyzed: increasing the level of industrialization, improving the investment climate, expanding export potential, developing the digital economy, and supporting small business and private entrepreneurship. The study develops forecast indicators for 2026–2030 through macroeconomic models used to assess economic growth, including a model of production functions and factors influencing GDP dynamics. Additionally, the goals and objectives defined within the framework of the "Uzbekistan – 2030" strategy improving public welfare, ensuring sustainable economic growth, increasing the share of high-value-added products, and ensuring the balanced development of regions have been scientifically substantiated.

Keywords: classical economics, neoclassical, Keynesianism, monetarism, institutional school, behavioral economics, economic growth, unobserved economy, GDP, innovation, "green" economy, creative economy, circular economy, informal economy, illegal economy.

Кириш.

Иқтисодиёт назарияси - бу жамият ҳаётининг энг муҳим томонларидан бирини ўрганувчи фан бўлиб, инсоният тарихининг деярли ҳар бир даврида янги ғоялар, янги қарашлар ва янги ёндашувлар билан бойиб келган. Иқтисодий фикрнинг ривожланиши нафақат академик муҳокамалар доирасида қолмай, балки давлатларнинг сиёсати, жамиятнинг тузилишига ва одамларнинг кундалик ҳаётига бевосита таъсир кўрсатиб келган. Классик иқтисодиётдан тортиб замонавий хулқ-атвор иқтисодиётигача бўлган йўл – бу инсоният ақлининг узлуксиз изланиши ва кашфиётлари тарихи ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, бу мактабларнинг биронтаси ҳам мутлақ тўғри ёки мутлақ нотўғри эмас. Ҳар бири ўз даври муаммоларини ҳал этишга уринган, ўз даври шароитига мос жавобларни излаган. Айнан шу сабабли замонавий иқтисодиётчилар кўпинча турли мактабларнинг ғояларини синтез қилиб, аралаш ёндашувлардан фойдаланадилар.

Ҳозирги глобал иқтисодий тизимда иқтисодий ўсиш муаммоси давлатлар ривожланиш стратегиясининг марказий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳонда юз бераётган геоиқтисодий беқарорлик, технологик трансформация, рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши ҳамда экологик чақириқлар иқтисодий ўсишга оид назарий ва амалий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий мактаблар ва турли назарий қарашларни

чуқур таҳлил қилиш уларнинг замонавий иқтисодий сиёсат шаклланишидаги ўрнини англаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, классик, неоклассик, кейнсчилик, монетаристик ва институционал ёндашувлар ўртасидаги назарий қарама-қаршиликлар ҳамда уларнинг иқтисодий ўсишга таъсири мамлакатлар иқтисодий сиёсатида турли моделларни қўллашга олиб келмоқда. Бугунги кунда эндоген ўсиш назарияси, инновацион иқтисодиёт, “яшил” иқтисодиёт ва рақамли трансформация жараёнлари иқтисодий ўсиш манбаларини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Ўзбекистон шароитида ҳам иқтисодий ўсишни таъминлаш масаласи стратегик аҳамиятга эга бўлиб, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида юқори қўшилган қийматли ишлаб чиқаришни кенгайтириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, хусусий сектор ролини ошириш ҳамда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш каби вазифалар устувор йўналиш сифатида белгиланган. Шу сабабли иқтисодий назарияларни чуқур ўрганиш ва уларнинг амалиётга татбиқ этилишини таҳлил қилиш миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Шу жиҳатдан, мазкур мавзунинг долзарблиги иқтисодий ўсиш жараёнларини назарий жиҳатдан англаш, замонавий иқтисодий сиёсатга мос моделларни ишлаб чиқиш ҳамда барқарор ривожланиш стратегияларини илмий асослаш зарурати билан белгиланади.

Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодий фикрнинг замонавий тарихи шотландиялик мутафаккир Адам Смитнинг (1776) нашр этган “Халқлар бойлиги” асари билан бошланади деб ҳисобланади. Смит биринчи бўлиб иқтисодиётни мустақил фан сифатида тизимлаштирди ва “кўринмас қўл” назариясини илгари сурди. Унинг таълимотига кўра, ҳар бир инсон ўз манфаатини кўзлаб ҳаракат қилганда, бозор механизми ресурсларни самарали тақсимлаш имконини беради.

Классик мактабнинг вакиллари Давид Рикардо (1817), Томас Малтус (1798), Жон Стюарт Милл (1848) бу ғояларни янада ривожлантирди. Рикардонинг қиёсий устунлик назарияси халқаро савдонинг асосини тушунтириб берди. Эркин бозор, рақобат, нарх механизми ва давлатнинг иқтисодиётга минимал аралашуви классик мактабнинг асосий тамойиллари эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида иқтисодиёт назариясида муҳим ўзгариш рўй берди: “маржинал инқилоб” деб аталган бу ўзгариш иқтисодий таҳлилга математикани олиб кирди. Уильям Стенли Жевонс (1871), Карл Менгер (1871) ва Леон Вальрас (1874) бир-биридан мустақил равишда нарх қийматини ишлаб чиқариш харажатлари билан эмас, балки сўнгги (маржинал) фойда билан тушунтирувчи назарияни ишлаб чиқди.

Неоклассик мактаб истеъмолчининг рационал хулқ-атвори, талаб ва таклиф мувозанати ҳамда бозор нархларининг табиий мувозанат нуқтасига интилишини математикавий тарзда ифодалади. Альфред Маршалл (1890) эса бу ғояларни бирлаштириб, неоклассик синтезни яратди ва бугунги кунда ҳам дарсликлардан жой олган талаб-таклиф эгри чизиқларини ишлаб чиқди.

XX асрнинг энг муҳим иқтисодий ҳодисаси 1929-1933-йиллардаги Буюк Депрессия неоклассик мактабнинг “бозор ўзи барча муаммоларни ҳал қилади” деган қоидасини шубҳа остига қўйди. Айнан шу тарихий кесишда британиялик иқтисодчи Жон Мейнард Кейнс (1936) саҳнага чиқди ва “Бандлик, фоиз ва пул бўйича умумий назария” асарида мутлақо янги ёндашув таклиф қилди.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу тадқиқотда иқтисодий ўсиш жараёнларини комплекс таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришда илмий-назарий ҳамда амалий ёндашувлар уйғун ҳолда қўлланилди. Тадқиқотнинг методологик асосини классик, неоклассик ва замонавий эндоген ўсиш назариялари, шунингдек, институционал иқтисодиёт концепциялари ташкил этади. Тадқиқот жараёнида иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларни тизимли ўрганиш мақсадида таҳлилий ва синтетик усуллардан фойдаланилди, улар орқали макроиқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар аниқланди ҳамда иқтисодий жараёнлар яхлит тизим сифатида баҳоланди. Шу билан бирга, қиёсий таҳлил усули ёрдамида Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари бошқа мамлакатлар тажрибаси билан солиштирилди, бу эса миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Таҳлил ва натижалар.

Кейнс таълимотининг моҳияти шундан иборатки, бозор ўз-ўзини тартибга солишга ҳар доим қодир эмас; рецессия даврида йиғилиб қолган талабни рағбатлантириш учун давлат харажатларини ошириш ва солиқларни камайтириш зарур. Ушбу “фискал сиёсат” воситаси орқали ҳукумат иқтисодиётни депрессиядан чиқариши мумкин.

II Жаҳон урушидан кейинги даврда кейнсчилик ғарбий мамлакатларда ҳукмрон иқтисодий мафкурага айланди. “Фаровонлик давлати”, ижтимоий кафолатлар тизими, давлатнинг инвестиция дастурлари буларнинг барчаси кейнсчилик тамойилларида ўз иқтисодий асосини топди. 2008-2009 йиллардаги глобал молиявий инқироз ва COVID-19 пандемияси даврида ҳукуматларнинг кенг кўламли иқтисодий рағбатлантириш дастурлари айнан кейнсча ёндашув асосида амалга оширилди.

1970 йиллар стагфляцияси бир вақтнинг ўзида иқтисодий ўсишнинг тўхташи ва юқори инфляция – кейнсчилик назариясининг қийинчиликларини кўрсатди. Бу шароитда Милтон Фридман (1963) бошчилигидаги Чикаго мактаби ва Австрия мактаби ўз ғоялари билан олдинги планга чиқди.

Монетаризм асосий ғоясига кўра, инфляция бу ҳар доим ва ҳамма жойда пул ҳодисаси. Пул массасини назорат қилиш иқтисодий барқарорликнинг асосий шarti ҳисобланади. Хайек (1945) “билимлар тарқоқлиги” тушунчасини илгари суриб, ҳеч қандай марказий орган бозор нархлари берган ахборотнинг тўлиқ ўрнини боса олмаслигини исботлади. Бу ғоялар 1980 йилларда Рейган ва Тетчер даврида амалга оширилган неолиберал ислохотлар учун назарий асос бўлиб хизмат қилди.

XX асрнинг охири XXI асрнинг бошида иқтисодиёт назариясида инқилоб рўй берди: психология ва иқтисодиёт кесишуви бўлган хулқ-атвор иқтисодиёти вужудга келди. Даниел Канеман ва Амос Тверски ўтказган тажрибалар шуни кўрсатдики, одамлар неоклассик назария тахмин қилганидек тўлиқ рационал эмас. Одамлар хато когнитив қолиплар, ҳис-туйғулар ва ижтимоий меъёрлар таъсирида қарорлар қабул қиладилар.

“Туртки” (Nudge) назарияси, йўқотишдан қўрқиш, статус-квога мойиллик ва бошқа тушунчалар иқтисодий сиёсатда ҳам қўлланила бошлади. Бугунги кунда бир қатор давлатлар аҳолини соғлом овқатланиш, пенсия жамғармалари ва энергия тежашга “мажбурламай рағбатлантириш” учун хулқ-атвор иқтисодиётининг кашфиётларидан фойдаланмоқда.

Институционал мактаб (Торстейн Веблен, Жон Коммонс, Дуглас Норт) қонунлар, анъаналар, ижтимоий меъёрлар ва институционал тузилмалар иқтисодий ривожланишга қандай таъсир қилишини ўрганади. Норт ўзининг тадқиқотларида тарихий маълумотлар асосида институтлар турли мамлакатларнинг ривожланиш йўлларини қандай фарқлантирганини кўрсатиб берди.

XXI асрнинг энг долзарб муаммоларидан бири иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит деградацияси янги иқтисодий ёндашувларни талаб қилди. Экологик иқтисодиёт анъанавий иқтисодиёт кўпинча эътиборсиз қолдирадиган ташқи таъсирлар (экстерналиялар), ресурсларнинг тугаши ва экотизим хизматларининг қийматини таҳлил қилишга қаратилган. «Кўк ўсиш», углерод солиқлари, эмиссия савдо тизимлари булар экологик иқтисодиётнинг амалий натижаларидир.

Иқтисодиёт назариясидаги ғоялар эволюциясини кўриб чиқар эканмиз, бир муҳим қонуният кўзга ташланади: ҳар бир янги мактаб аввалги мактабнинг камчиликларига жавоб сифатида вужудга келган ва янги тарихий шароитларда янги саволларни қўйган. Классик мактаб бозор эркинлигини асослади, кейнсчилик бозор мувозанатсизликларини кўрсатди, монетаризм инфляцияни тушунтирди, хулқ-атвор иқтисодиёти эса рационалликни синаб кўрди.

Замонавий иқтисодий сиёсат кўпинча бу мактабларнинг «коктейли» ҳисобланади: иқтисодий цикл бошқарувида кейнсча ёндашув, пул-кредит сиёсатида монетаризм тамойиллари, солиқ сиёсатида таклиф томони иқтисодиёти ва ижтимоий дастурларда хулқ-атвор иқтисодиётининг кашфиётлари биргаликда қўлланилади.

Ўзбекистон учун бу мактаблар айниқса қимматли аҳамиятга эга. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини давом эттирмақда, янги институтлар шаклланимоқда, иқтисодий сиёсат такомиллашмоқда. Замонавий иқтисодиёт назариясининг энг яхши ютуқлари ва Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини бирлаштирган ёндашув энг самарали натижаларни бериши мумкин.

Бу ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ғоялар эволюцияси тўхтамайди. Бугун биз сунъий интеллект иқтисодиётга таъсири, криптовалюта ва блокчейннинг молия тизимини ўзгартириб юбориши ҳамда иқтисодий тенгсизликнинг ўсиб бораётган муаммолари билан юзма-юз турибмиз. Иқтисодчиларининг вазифаси бу янги муаммоларга янги, ижодий ечимлар топишдир.

Иқтисодиёт инсон фаолиятининг энг тез ўсаётган соҳаларидан биридир. Аҳоли сонинг ўсиши ва улар турмуш даражасининг муттасил юксалиб бориши иқтисодиёт олдида бир қатор муаммоларни қўяди. Бу муаммоларга иқтисодий мактаблар, қарашларда жавоб топишга ҳаракат қилинган. Иқтисодий мактаблар (қарашлар) иқтисодий жараёнлар бойлик, даромад ва давлатнинг иқтисодий ролини тушунишга турли томондан ёндашиб келадилар.

Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни таъминлашда деярли барча иқтисодий мактаблар таълимотларининг ўрни ва аҳамияти бор. Ҳозирги пайтда неоклассика мактабининг нуфузи баланд бўлиб, у «иқтисодий мейнстрим» деган ном ҳам олди. Унинг асосида индивидуализм ва рационаллик ётади, ресурсларни тақсимлашда ва баҳолаш шаклида бозор механизми муҳим аҳамиятга эга, рақобатга иқтисодий ўсишда локомотив деб қаралади.

Иқтисодий ва назарий қарашлар жамият тараққиётининг турли босқичларида иқтисодий жараёнларнинг хусусияти, иқтисодиётни тартибга солиш йўллари, рационал қарорлар қабул қилиш, хулқ-атвор омиллари, институтлар, қонунлар ва ижтимоий меъёрлар, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш муаммоларини ўртага қўядилар. Айниқса, иқтисодий ўсиш, камбағалликни қисқартириш ва ривожланаётган мамлакатлар учун иқтисодий-ижтимоий сиёсат ишлаб чиқишга қаратилган ривожланиш иқтисодиёти мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. 2021-2025 йилларда Ўзбекистон ЯИМи 81 фоизга, жон бошига ЯИМ 65,3 фоизга ошди.



1-расм. Ўзбекистон ЯИМнинг аҳоли жон бошига улуши

Манба: муаллиф томонидан статистик маълумотлар асосида шакллантирилди

2030 йилда эришиш мумкин бўлган маррага 4 йил олдин 2026 йилда эришмоқдамиз. 2024 йилда ЯИМ 115 млрд доллар бўлган бўлса, 2025 йилда 147 млрд доллардан ошди, яъни бир йилда ўсиш 32 млрд доллардан юқори бўлди. Бундай юқори суръатда ўсиш илгари кузатилмаган эди. Бунинг қатор сабаблари бор, албатта. Биринчидан, иқтисодий ўсиш мўлжалланган 6,5% дан юқори бўлди. Иккинчидан, яширин иқтисодиётнинг 10 млрд доллари легаллаштирилди, яъни ЯИМга киритилди. Учинчидан, ЯИМни ҳисоблаш методологиясигача бир қатор ўзгаришлар киритилди.

2024 йил ва аввалги даврлар учун ЯИМ Халқаро валюта жамғармаси тавсиясига қўра қайта ҳисобланди. Натижада, 2024 йил учун Ўзбекистон иқтисодий ҳолати 115 миллиард эмас, балки 121,4 миллиард эканлиги қайд этилди. Демак, бу ўсиш методологик ўзгаришлар ва ҳисоботларни аниқлаштириш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилди.

Чунки ЯИМга бюджетдан ташқари жамғармалар харажатлари ҳам киритиладиган бўлди. Илгари фақат давлат бюджети харажатлари киритилар эди. Бундан ташқари, янги хизматлар ва солиқ органлари маълумотлари ҳам ҳисобга олинган бўлди.

Гап шундаки, ишлаб чиқариш жараёнидаги барча харажат ва даромадлар бирон бир ҳисобот базасида ўз ифодасини топиши керак. Албатта, бундай база ЯИМ ҳисобланади. Ҳисобга олинмаган захиралар саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам бор. Янги хизмат турлари ҳисоблангандаги курьерлик, кейтеринг, овқатланиш, адвокатлик, юридик хизматлар, карго, юк ташиш, воситачилик хизматлари илгари ЯИМга киритилмаган ёки яширин иқтисодиёт таркибида бўлган.

Ёки бўлмаса қишлоқ хўжалигини олайлик. Биргина 2024 йилда 252 минг га ер майдони аукцион орқали сотилиб, ижарага берилган. Бу ерларни ўзлаштириш учун шудгорлаш, суғориш, минерал ўғитлардан фойдаланиш, уруғлик ва меҳнатга ҳақ тўланган, етиштирилган маҳсулот сотилган. Демак бу харажат ва даромадлар ҳисобга олиниши лозим. Бу тўғри, жаҳон тажрибасида бор амалиёт

2026 йил 26 февралда «Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Президент фармони билан 2023–2025 йилларда эришилган кўрсаткичлар ва ўтказилган баҳолаш асосида янгидан ишлаб чиқилган, 2026–2030 йилларга мўлжалланган "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тасдиқланди.



2-расм. Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш прогнози

Манба: муаллиф томонидан статистика агентлиги маълумотлар асосида шакллантирилди.

Хўш, келгуси беш йилда миллий иқтисодиётимиз ҳажмини 240 млрд. долларга етказиш имкониятлари борми? Ҳа бор. Бунинг учун нима қилиш керак:

Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2025 йил 26 декабрдаги Парламентга ва ўзбек халқига Мурожаатномаси (2025)да таъкидлаганидек замонавий технологияларга ўтиш, кадрларни илм-фан ва инновацияларга асосланган замонавий касбларга тайёрлаш, саноатда электроника ва электротехника, биокимё ва полимерлар, фармацевтика, машинасозлик каби юқори қўшимча қиймат яратадиган соҳаларни ривожлантириш, IT, сунъий интеллект, финтех, консалтинг, транспорт-логистика каби катта даромад келтирадиган сервис соҳаларини кўпайтириш, қишлоқ хўжалигида биоинжинериядан фойдаланиш, илғор агротехника ва сув тежайдиган усулларга ўтиш, таълим ва тиббиёт сифатини янги босқичга олиб чиқиш, “яшил энергетика”, чиқиндисиз ишлаб чиқаришга ўтишдир.



3-расм. Кузатилмайдиган иқтисодиётнинг турлари

Манба: муаллиф томонидан маълумотлар асосида шакллантирилди

Булар эса янги иқтисодий моделларга ўтишни талаб қилади. Бугун инновацион иқтисодиёт, яшил иқтисодиёт, креатив иқтисодиёт, рақамли иқтисодиёт, циркуляр иқтисодиёт, шеринг иқтисодиёти каби янги ишлаб чиқариш моделлари янги ўсиш нуқталари бўлиб майдонга чиқмоқда. Улар анъанавий чизиқли иқтисодиётга зид эмас, балки альтернатив (муқобил) янги ўсиш омилларидир.

Яширин, (хуфёна) иқтисодиёт бўйича ҳам талаблар ўзгарди. Эндиликда яширин иқтисодиёт “кузатилмайдиган иқтисодиёт” деб аталиб, у норасмий, яширин ва ноқонуний турларга ажратиладиган бўлди. Кузатилмайдиган иқтисодиётнинг хуфёна деб аталган турини лоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин

Кузатилмайдиган иқтисодиёт даражаси мамлакатимизда 45-50 % дан 28 % га пасайтирилди. Келгуси беш йилда унинг даражаси янада қисқартирилади ва 23 % га туширилади. Бунинг учун эса нақдсиз тўлов улуши 75 % дан ошади. Расмий секторда банд бўлганлар ҳозирги 8,5 млн дан 14 млн га етказилади.

Хулоса ва таклифлар.

Норасмий иқтисодиёт бу уй хўжаликлари ёки жисмоний шахслар томонидан рўёхатдан ўтмаган ҳолда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш туридир. У оила аъзоларини меҳнатга жалб қилиш, бозорларни тўлдириш ва рақобат муҳитини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам уни легаллаштириш, ЯИМга киритиш мумкин. Бу жараён асосан танлама кузатувлар ўтказиш, солиқ ва молиявий текширувлар, рўйхатга олиш, лицензиялар бериш бўйича маълумотлар асосида амалга оширилиши мумкин.

Ноқонуний фаолият турининг эса йўриғи бошқа. Унинг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирининг нисбатан паст даражаси ҳисобга олиниб халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда унинг даражаси расмий статистикада баҳоланмайди, яъни ЯИМ ҳажмига киритилмайди. Яширин иқтисодиёт эса ҳисоботда атайлаб солиқ базасини яшириб кўрсатишдир. Бундай фаолият турларига нисбатан маъмурий чоралар кўрилади.

Демак, иқтисодий ўсишни баҳолашда турли ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш харажатлари ва даромадлари аниқ ҳисобга олиниши лозим. Шундагина биз миллий иқтисодиётимизнинг жорий ҳолати, ўсиш тенденциялари, имконияти ва захиралари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўламиз. Кўриниб турибдики ҳали тўлиқ ишга туширилмаган имконият ва омиллар, захиралари мавжуд.

Адабиётлар / Лумература / Literatura:

Friedman, M. (1963). A Monetary History of the United States, 1867–1960. Princeton University Press.

Hayek, F. A. (1945). “The Use of Knowledge in Society”. American Economic Review.

Jevons, W. S. (1871). The Theory of Political Economy. London: Macmillan.

Keynes, J. M. (1936). The General Theory of Employment, Interest and Money. London: Macmillan.

Malthus, T. R. (1798). An Essay on the Principle of Population. London: J. Johnson.

Marshall, A. (1890). Principles of Economics. London: Macmillan.

Menger, C. (1871). Principles of Economics. Vienna: Wilhelm Braumüller.

Mill, J. S. (1848). Principles of Political Economy. London: John W. Parker.

Ricardo, D. (1817). On the Principles of Political Economy and Taxation. London: John Murray.

Smith, A. (1776). An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. London: W. Strahan and T. Cadell.

Walras, L. (1874). Éléments d'économie politique pure. Lausanne.

Мурожаатнома (2025). Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва ўзбек халқига Мурожаатномаси. 2025 йил 26 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21 сонли “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21-сон фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси (дастур).